Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 40 (20. 307) • 1989 йил 17 февраль, жума • Баҳоси 3 тийин.

«Молния-1»

ТАСС ахбороти

1989 йил 15 февраль куни Совет Иттифоқида «Молния» учирувчи ракетаси ёрдамида навбатдаги алоқа йўлдоши — «Молния—1» учирилди. Йўлдош олис телефон-телеграф радио алоқаси системасини ишлатишни таъминлашга, шунингдек СССР Марказий телевидениеси программаларини «Орбита» тармоғи пунктларига узатишга мўлжалланган.

«Молния—1» йўлдоши билан алоқа сеанслари белгиланган программага кўра ўтказилади.

ДЕПУТАТЛАР ГРУППАСИНИНГ МАЖЛИСИ

15 февраль куни Кремлда СССР Олий Совети Президиуми ташкил этган депутатлар ишчи группасининг ССР Иттифоқи ва республикалар ваколатини белгилаш тўғрисидаги таклифларни тайёрлашга доир навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни группа бошлиғи — СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Белоруссия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Г. С. Таразевич олиб борди.

Ишчи группа унинг редакцион комиссияси олимлар ва мутахассислар иштирокида тайёрлаган ССР Иттифоқи ва республикалар ваколатини белгилаш тўғрисидаги дастлабки таклифларни кўриб чиқди. Бу таклифларда мазкур муаммо юзасидан ўз мулоҳазаларини баён этган иттифоқдош республикалар Олий Советлари Президиумларининг фикрлари ўз ифодасини топган.

Мажлисда олимлар ва мутахассислар группасининг раҳбари юридик фанлари доктори, профессор И. Н. Кузнецовнинг ахбороти тингланди, кенг фикрлашув бўлди.

Муҳокамада иштирок этган депутатлар Ю. Н. Ельченко, В. А. Проценко, И. А. Каримов, А. Г. Бабаев, Р. А. Кукайн, М. К. Арутюнян, А. Жумагулов, В. И. Казаков, Х. А. Райк, К. А. Халилов асосий диққат-эътиборни иттифоқдош республикалар ҳуқуқларини кенгайтириш ва ССР Иттифоқ билан иттифоқдош республикалар ўртасида ваколатларни тақсимлаш чоғида улар чегарасини ажратувчи чизиқларга аниқлик киритишга қаратдилар. Сўзга чиққанларнинг кўпчилиги СССР Конституцияси ҳамда СССР қонунлари билан ССР Иттифоқи тасарруфига киритилмаган барча масалаларни республика ҳал этиш ҳуқуқига эга, деган принципни СССР Конституциясида мустаҳкамлаш ғоясини маъқулладилар. Умумхалқ мулки, бутун совет халқининг бойлиги бўлган табиат ресурсларини тасарруф этиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек табиатни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш, халқ таълими ва бошқа конкрет масалаларни кўриб чиқиш чоғида эҳтимол тутилган келишмовчиликларни ҳал этишнинг юридик механизмларини ишлаб чиқиш борасида республикаларнинг ҳуқуқлари гарантияларини мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди.

Депутатлар редакцион комиссияга олимлар ҳамда мутахассислар иштирокида иттифоқдош республикалар ва илмий муассасалардан тушган барча материаллар, шунингдек мажлисда бўлиб ўтган мунозара якунлари асосида ССР Иттифоқи ҳамда республикаларнинг экономика, социал-маданий ва давлат — ҳуқуқ қурилиши соҳасидаги ваколатларини белгилаш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқишни давом эттиришни топшердилар.

Ишчи группасининг навбатдаги мажлисини март ойининг иккинчи ярмида ўтказиш белгиланди. (ТАСС)

ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ—ИШЧИЛАР СИНФИГА, ИШЧИЛАР СИНФИНИНГ—ҚАЙТА ҚУРИШГА МАДАДИ

КПСС Марказий Комитетида учрашув

14 февраль куни КПСС Марказий Комитетида мамлакат ишчилар синфининг намояндалари билан учрашув бўлиб ўтганлиги илгари хабар қилинган эди. Индустрия, қурилиш, транспорт кўпгина тармоқларнинг меҳнатчилари қайта қуришнинг долзарб масалалари ва муаммолари комплексини, жамиятимизни янгилашга оид бунёдкорлик ишларининг самарадорлигини ошириш резервлари ва имкониятларини муҳокама қилдилар.

КПСС халқнинг турмушини яхшилаш йўлидаги революцион ўзгартишларни амалга оширар экан, омманинг, ишчилар синфининг — ўз меҳнати билан, конкрет ишлари, социал активлиги билан социализмни янгилашнинг тарихий программасини қўллаб-қувватлаётган ва турмушга татбиқ этаётган кишиларнинг фикрига сезгирлик билан қулоқ солмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачев учрашувни очиб, бундай деди:

Сизларни, ишчилар синфининг намояндаларини КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан самимий табриклайман. Сизлар иттифоқдош республикалардан, мамлакатнинг йирик регионларидан, саноат марказларидан келгансизлар. Сизларнинг партия Марказий Комитетига айтадиган гапингиз бор, деб ўйлайман.

Ҳозир, қайта қуриш кенг уфққа, катта йўлга чиқиб олган, бутун жамиятни, марказда ва жойларда ҳаммамизни ўзига жалб этган бир пайтда бизнинг олдимизда кўпгина янги мураккаб муаммолар пайдо бўлди. Демократик жараёнлар қандай ривожланаётганига, ошкоралик қандай шаклларга кириб бораётганлигига, фикрлашувлар қандай ўтаётганлигига, корхоналардаги иқтисодий турмуш қандай таркиб топаётганига, жараёнлар қандай ривожланиб бораётганлигига бир назар ташланг! Иқтисодий ислоҳот ҳамма корхоналарга ёйилди, изланишлар давом этмоқда. Ҳар бир корхона — ноёб, бетакрор организмдир, шу боисдан ҳам ишни ақл-идрок, фаҳм-фаросат билан, ҳақиқий вазиятни, қийинчиликлар ва имкониятларни эътиборга олиб юритиш лозим. Бу — унчалик осон иш эмас.

Сиёсий ислоҳот ҳам ривожланиб бормоқда. Ҳозир биз унинг биринчи босқичини бошдан кечираяпмиз, бу босқич Конституцияга киритилган ўзгартишларни ва сайлов тўғрисидаги янги Қонунни ўз ичига олади. Бу соҳада қанчадан-қанча янгиликлар бор! Бу — илгари биз билмаган мутлақо янги реалликдир. Биз, ҳамма иш ҳам яхши бўляптими, ҳаммаси ҳам режамиздагидек чиқаяптими? деган ўй билан қараяпмиз, назар ташлаяпмиз, фикр юритаяпмиз. Ҳамма нарсани яхши билиб олиш керак, чунки гап мамлакатнинг тақдири ҳақида боряпти. Олий Советда масалаларни ким ҳал этиши, бугунги турмушимизни акс эттирадиган ва қайта қуриш жараёни кучайиб бориши учун шарт-шароит яратадиган янги қонунларни ким қабул қилиши биз учун муҳимдир.

Биз қайта қуришни ишимизнинг энг катта йўналиши деб, жамиятнинг ҳозирги ҳолатидан янги ҳолатига, инсон, унинг муаммолари, фикр-ўйлари, унинг турмуши ҳақиқатан ҳам диққат марказимизда турадиган ҳолатга революцион тарзда ўтиш деб режалаштирганмиз. Янги социал сиёсат, инсон ўзини дадил, бемалол ҳис этадиган муҳитни яратиш мана шундан келиб чиқади. Қолаверса, табиийки, бу вазифаларнинг ҳаммасини инсон орқали, унинг позицияси орқали ҳал қилиш мумкин. Инсоннинг ўзи қайта қуришни ҳаракатга келтирувчи шахс бўлиб қолмас экан, у юришмаслиги тайин.

Шу боисдан ҳам иқтисодий ислоҳот керак, меҳнат коллективларига таяниш лозим, шунинг учун ҳам демократик жараёнлар орқали меҳнаткашларни амалий ҳокимиятнинг ҳамма поғоналарига кўтариш учун сиёсий ислоҳот зарур.

Учрашув пайти.

Ю. Лизунов ва А. Чумичев фотоси (ТАСС).

Шу боисдан ҳам биз жамиятимизни соғломлаштириш, уни янада инсонпарвар қилиш, илгари турмушимизни чигаллаштириб келган ҳамма ишкалликлардан халос бўлиш учун демократияни, ошкораликни ривожлантиряпмиз. Бунда гап оддий нарсалар ҳақида: диёнатли, инсофли ва виждонли бўлиш ҳақида, масъулият, ўртоқлик, инсонга эътибор, унга ғамхўрлик ҳақида бормоқда. Яъни, биз 70 йилдан кўпроқ вақт мобайнида революция илгари сурган Октябрнинг илк қадриятларига қайтяпмиз. Бугун биз айни мана шулар ҳақида гаплашиб олишимиз керак. Бизга, КПСС Марказий Комитетига бундай суҳбат жуда зарур.

Ўтмиш тажрибамиз бизга кўп нарсани ўргатди. Қайта қуришимизнинг боришини танқид қилиш мумкин. Унинг заифликлари бор, бироқ асосий масалада у ҳаммамизга керакли вазифалар ва марраларни кўзлайди. Унинг туриш-турмуши инсонга хизмат қилади. Агар биз меҳнаткашлар билан мунтазам маслаҳатлашиб, суҳбатлашиб турмаганимизда бу сиёсатни ишлаб чиқа олмаган бўлур эдик. Биз ишчилар синфининг — жамиятимизнинг белгиловчи кучи бўлган энг кўп сонли синфнинг фикрига ҳамиша алоҳида аҳамият бериб келдик, албатта. Ҳар қандай сиёсатнинг тақдири ҳал қилувчи даражада шу синфнинг позициясига боғлиқ. Ишчилар синфи, барча меҳнаткашлар қайта қуриш сиёсатини қабул қилган экан, бу нарса биз тўғри йўлдан бораётганлигимизнинг ишонарли далилидир.

Одамларга ҳақиқатни гапириш керак. Йиғилиб қолган муаммолар ҳақида, жамиятда содир бўлаётган жараёнлар тўғрисида рўйрост, ҳалол фикрлашув зарур. Ҳозир ҳам давом этаётган қизғин мунозаралар, фикрлашув натижасидагина биз қайта қуриш сиёсатига асос қилиб олинган хулосаларга келдик.

Тўғри сиёсатни ишлаб чиқиш — осон иш эмас, ўйлайманки, партия, жамият ана шундай сиёсатни ишлаб чиқишга муваффақ бўлди. Бу — қайта қуриш биринчи босқичининг катта ғалабасидир. Бироқ энди янги вазифа пайдо бўлди: бу сиёсатни амалга ошириш керак, бунинг учун иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда, меҳнат коллективларида, партияда зўр ғайрат билан ишлаш керак бўлади.

Ишларимиз кўпайди. Модомики, биз бошқача яшашни, янги марраларга чиқиб олишни хоҳлар эканмиз, ўз позицияларимизни, ўз қарашларимизни, ишга бўлган муносабатимизни, иш усулларини ҳам ўзгартириш керак. Биз бошқача бўлиб қолишимиз лозим.

Биз янги турмуш концепциясини ишлаб чиқдик ва уни ўз қўлимиз билан рўёбга чиқаришимиз керак. Сиз билан бизнинг ўқув қўлланмамиз йўқ. Асосий принципларимизгина бор. Биз социализм тарафдоримиз, биз бу тузумни мустаҳкамлаймиз, ривожлантирамиз, биз унга ишонамиз. У — меҳнаткашларга хизмат қиладиган тузум. Бинобарин, биз — социалистик мулкчилик тарафдоримиз, шу мулкчилик негизида экономиканинг ва ижтимоий тузумнинг имкониятларини намоён этиш тарафдоримиз. Биз — ҳокимият чинакамига меҳнаткашлар қўлида бўлиши тарафдоримиз. Биз кенг демократия, масъулият, интизом тарафдоримиз. Булар — энг муҳим мезонлардир.

Бизнинг мана шу қадриятларимизни шубҳа остига қўядиган овозлар ҳам эшитилмоқда. Партиянинг фикри қатъий: бундай позиция бизга маъқул эмас. Бу ишда бизга ишчилар синфи асдойдил мададкор эканини биламиз. Социализм — бизнинг тузумимиз, шу сабабли биз уни қаттиқ туриб ҳимоя қиламиз. Энг муҳими мана шу, ўртоқлар.

Мамлакатимиз — жуда катта, бунда кўп миллатлар ва элатлар яшайди, бинобарин биз қайта қуриш вазифаларини ҳал қилар эканмиз, доимо шуни ёдда тутишимиз керак. Қайта қуриш кўпгина масалаларни, шу жумладан, миллатлараро муносабат соҳасидаги масалаларни ҳам бартараф этишга ёрдам беради, халқлар ва республикалар, барча миллатларга мансуб кишилар ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштиришга кўмаклашади. Агар биз ана шу энг муҳим асосий жиҳатларни эътиборсиз қилсак, қолган ҳамма масалалар иккинчи даражали масала бўлиб қолади. Бизга қатъий ўзгартишлар учун вақт керак, қайта қуриш тажрибасини орттириш зарур. Эҳтимол, хатолар ҳам содир бўлар, бизда ўтмишдан сарқит бўлиб қолган муаммолар бор, ҳозирги нуқсонларимиз, камчиликларимизни ҳам биламиз. Бу ҳақда ҳам гапириш керак, ўртоқлар. Ҳозир, эҳтимол, бу — энг муҳимидир. Чунки, биз ўтмишга баҳо бердик, ундан сабоқлар чиқариб, шуларни ҳаммасини эътиборга олиб ҳозирги сиёсатни юргизяпмиз. Энди биз бу сиёсатни имкони борича хатоларга йўл қўймай, кўпроқ самарадорлик билан турмушга татбиқ этишимиз лозим. Олға бориш, қайта қуриш йўлини ,иқтисодий ва сиёсий ислоҳотни янада қатъият билан ўтказиш, мамлакатда тартиб ўрнатиш, жамиятни соғломлаштириш керак. Бугун сизлар мана шу масалалар хусусидаги фикрларингизни айтасизлар, деб ўйлайман.

Бизнинг бугунги вазифамиз — сизларнинг фикрингизни эшитиш. Сизларни суҳбатга, фикрлашишга таклиф этаман.

Магнитогорск металлургия комбинатининг пўлат қуювчиси **В. И. Наумов** сўз олади. Бизнинг Магниткада қайта қуриш қийинчилик билан бораётганини дарров очиқчасига айтмоқчиман, деди у. Менинг назаримда, ишчиларни ўз меҳнатини, моддий ресурсларни тежаш ва ҳисобга олишга қизиқтириш ва ўргатишга ҳали муваффақ бўла олмаганлигимиз бунинг асосий сабабларидан бири-дир. Ҳозир бизда иқтисодий таълим системаси амал қилмоқда, аммо у кўпинча конкрет ишлаб чиқаришдан ажралиб қолган, демакки, унинг самарадорлигини оширишга қаратилмаган. Бу соҳада қиладиган ишларимиз жуда кўп. Гарчи, холисона айтганда, иш силжиган бўлса ҳам, ҳозир корхона фойдадан қанча ажратма олаётганига, бу маблағни биз қандай сарфлаётганимизга қизиқиб қараётган бўлсалар ҳам, бироқ қайта қуриш бошланган кейинги йилларда мен ва ўртоқларим ўзимизни ишлаб чиқаришнинг хўжайинлари деб ҳис эта бошладик, дея олмайман.

Ҳозир фойдадан комбинат олаётган ажратмалар корхонани техника билан қайта қуроллантиришга ва етилган социал масалаларни ҳал этишга етишмаяпти, деди сўзини давом эттириб пўлат қуювчи. Бунинг сабаби шуки, яна ёппасига бараварчилик тантана қилди. Замонавий Липецк заводини ва бу йил 59 ёшга кирган Магниткани олиб кўринг. Гарчи Магниткага реконструкциялаш ва асбоб-ускуналарни алмаштириш учун жуда кўп маблағ керак бўлса ҳам, улар фойдадан ажратмаларни бир хил тарзда олмоқдалар. Бундан ташқари, комбинатда ҳал этилмаган кўпгина социал масалалар йиғилиб қолган. Экология, уй-жой муаммолари, шунингдек, аҳолини моллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, транспорт, сув таъминоти муаммолари шу жумлага киради. Бу муаммоларни ҳал этиш фойданинг миқдори билан бевосита боғлиқдир.

Нотиқ шаҳар аҳолисини товарлар ва хизматлар билан таъминлашни яхшилаш зарурлиги ҳақида ҳам гапирди. У партия взносларидан бошланғич партия ташкилотлари ихтиёрида ички партиявий тадбирларни ўтказиш учун муайян процент қолдириш зарурлиги масаласини ҳам ўртага қўйди.

Комбинат коммунистларининг фикрича, партия ташкилотларидаги ҳисобот ва сайловларни демократиялаш йўлида ҳам янги қадамлар қўйиш зарур. Жумладан, цех партия ташкилотлари секретарларининг сайловини бюро аъзоларининг ўзи эмас, балки барча коммунистларнинг бевосита овоз бериши йўли билан ўтказиш мумкин бўлур эди.

Волгоград ишчилари партиямизнинг иқтисодий программасини қўллаб-қувватламоқдалар, деб таъкидлади Волгоград пўлат сим арқон заводининг сим чўзувчиси **А. Е. Алиференко.** 1 январдан бошлаб хўжалик ҳисобига ўтган корхона коллективи бу тадбирнинг зарурлигини англаб турибди. Хўжалик юритишнинг янги шароитида кўпгина муаммоларга дуч келинди.

Биз ҳаммамиз, жумладан мен ўзим ҳам эскичасига ишлашга одатланиб қолганмиз. Тарки одат — амри маҳол, дейдилар. Аммо ҳозир, туб иқтисодий ислоҳот, иш услубини бутунлай янгилаш шароитида инженер-техник ходимларгина эмас, биз ҳам ўқиб ўрганишимиз керак.

Металл етказиб бериш аниқ-пухта йўлга қўйилмаганлиги — бошқа бир жиҳатдир. Шошма-шошарлик билан ишлаш мана шундан келиб чиқади, бу эса корхона маҳсулотининг сифатига ҳам таъсир қилади, шунинг натижасида маҳсулот ҳозирги талабларга, жаҳон стандартларига мос келмай қолади. Биз ҳаммамиз айни вақтда ҳам маҳсулот етказиб берувчилармиз, ҳам истеъмолчилармиз, деб таъкидлади А. Е. Алиференко. Буни доимо эсда тутиш ва ишга виждонан ёндашиш керак.

Ёш малакали кадрлар кооперативларга кетиб қолаётганлиги кўпгина ишчиларни ташвишга солаётган яна бир масаладир. Нотиқ кооперация муаммоси хусусидаги ўз фикрини айтиб, жамият учун шак-шубҳасиз зарур бўлган кооперация социал адолат ва инсоф принципларига қатъий риоя этиб ривожлантирилиши кераклигини таъкидлади.

Нотиқ атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммосига ҳам тўхталиб, Волгоград аҳолиси экологияга оид кўпгина масалалар ҳал этилмаганлиги учун ташвишланаётганлигини айтди.

Ишчи оммавий ахборот воситаларининг иши ҳақида гапирганида матбуот органларининг кўпинча олди-қочди хабарларга зўр бераётганликларини, бу эса баъзан салбий оқибатларга олиб бораётганини уқтириб ўтди.

М. С. Горбачев: Волгоградни озиқ-овқат билан таъминлаш ишида қандай ўзгариш бўляпти?

А. Е. Алиференко: Шаҳарда талон системаси амал қилиб турибди. Кир ювиш воситалари — порошок, совун ҳам талонга берилмоқда. Товуқ сотиб олиш мумкин, янги йилдан бошлаб гўшт таъминоти яхшиланди.

Сут маҳсулотларини бемалол харид қилиш мумкин, сабзавот эса етишмаяпти.

Қайта қуриш секинлашиб қолмаслиги учун нима қилиш керак? «В. И. Ленин номли Минск трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг асбобсоз слесари **А. С. Шаранович** ўз нутқини мана шу саволдан бошлади. Бизнинг трактор заводимиз бир маромда ишлаб турибди, деди у. Ҳамма шартномаларни 100 процент бажаряпмиз. Шундай бўлгач, бемалол яшайвермайсанми, яна нима керак. Аммо ҳозир партия бизга шунчаки пул ишлаш билан кифояланиш ярамайди, деб таълим бермоқда.

1987 йил январидан бошлаб биз хўжалик ҳисобининг биринчи моделига ўтиб, тариф ставкаларини, мансаб окладларини ошердик, тунги сменаларга оширилган ҳақ жорий этдик. Аммо иш ҳақини бундан буён ҳам ошираверишимиз мумкин эмас, чунки маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан оқлашга қодир бўлмай қоламиз. Биз халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қарор бердик. Бироқ Госснабпландан ташқари ишлаб чиқариладиган ва кўплаб талаб қилинаётган маҳсулотлар учун нечундир зарур ресурсларни бермаяпти.

Нотиқ заводнинг хўжалик ҳисоби иккинчи моделига ўтишига нималар ҳалақит бераётгани ҳақида гапириб, нарх белгилаш масалаларига, машина-ускуналар қиймати-нинг ошиб бораётганига батафсил тўхталди.

Материаллар билан, ҳамма хом ашёлар билан таъминлашнинг аҳволи жуда мураккаб. Бу ўринда нарх белгилаш масалаларини, жумладан экспорт нархларини жуда синчиклаб текшириб бориш керак.

Яна бир гап. Оилали ишчи бўлганим учун озиқ-овқат ва саноат молларининг нархлари ошиб бораётганлиги мени ташвишлантиряпти.

Биз СССР Министрлар Советининг бу масала юзасидан қабул қилган қарорини қўллаб-қувватлаймиз.

М. С. Горбачев: Ҳозир биз фан-техника тараққиётини илгари силжитиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, қишлоқдаги хўжалик юритишнинг янги шаклларига йўл очиш — ҳозир мавжуд бўлган катта чиқимларни камайтириш учун кўп иш қилишимиз керак. Бу иш колхоз ва совхозларнинг экономикасига таъсир қилади, шундан кейинги нархларни бир ёқлик қилиш лозим. Биз бирон-бир таклифлар, мулоҳазага келганимиздан сўнг эса озиқ-овқат ва саноат молларининг, аввало озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари тўғрисидаги бу масалани мамлакатда муҳокама қилиб, халқ билан маслаҳатлашиб ҳал этамиз. Ҳозир келинглар, чиқимларни, маҳсулот таннархини қандай қилиб камайтириш, унумдорликни ошириш, кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш ҳақида ўйлайлик, эҳтимол ўшанда нархларга ёндашув ҳам бошқача бўлар.

«Ленинград металл заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг йиғувчи слесарлар бригадири **В. С. Чичеров**га сўз берилди.

1988 йилда, деди у, цех коллективи коллектив пудратга ўтишга қарор берди. Бир йил ишлаб кўрдик. Бутун цех бир маромда ишлаяпмиз, ҳар бир киши масъулиятни сезмоқда, одамлар бир-бирларига ёрдам бермоқдалар. 1987 йилда заводимиз 19 та турбина ишлаб чиқарган бўлса, 1988 йилда 25 та ишлаб чиқарди. Меҳнат унумдорлигини ошириш суръатлари 149 процент, ўртача иш ҳақини ўсиш суръатлари 121 процент бўлди.

Нотиқ нормал ишга халақит бераётган камчиликлар орасида бутун корхона миқёсида хўжалик ҳисобини ва коллектив пудратни жорий этишга ҳаддан ташқари суст бурилиш бўяётганини, ишчиларнинг баъзи бир қисми ишлаб топилмаган пул олиш мумкин, деган позицияга тойиб

(Давоми иккинчи бетда).

КАТТА ИСТЕЪДОД ҚИРРАЛАРИ

«Композиторнинг ижоди ўз Ватанининг руҳини ифодалаши лозим», — Рахманиновнинг бу сўзлари дирижёр, композитор, музика маданияти ва жамоат арбоби Евгений Светлановнинг кўп қиррали бутун фаолиятига муқаддима бўлиши мимкин. Совет санъатининг атоқли намояндаси, СССР халқ артисти, Ленин мукофотининг лауреати ўзининг 60 ёшга тўлган кунини нишонламоқда. Москва консерваториясининг катта залида 15 февраль куни бўлган юбилей кечаси ана шу воқеага бағишланди.

Худди шу ерда, мамлакатимиздаги энг кекса музика олий ўқув юртларидан бирида Е. Светланов ўзига хос ижодкор эканлигини илк бор намойиш этган эди. У студентлик йилларидаёқ ССР Иттифоқи Катта театрининг стажерлар группасига қабул қилинган, орадан ўн йил ўтар-ўтмас эса унинг бош дирижёри бўлган эди. Кейинги чорак аср ичида юксак қобилият эгаси бўлган музикачи СССР давлат академик симфоник оркестрига раҳбарлик қилиб, жаҳонда катта шуҳрат қозонди.

Истеъдодли пианиночи Светланов тингловчиларга фортепиано музика меросининг кўплаб саҳифаларини кашф этди. У китоблар ва мақолалар муаллифидир. Бу китоб ва мақолаларда катта санъаткор музика ҳаётининг долзарб муаммоларини ҳал этишдан чуқур манфаатдор эканлиги акс этган. Самимий рус лирикаси оҳанглари билан йўғрилган унинг содда музикаси ҳаммага машҳур.

— Биз музика маданиятимиз қўлга киритган буюк ютуқларни кўз қорачиғимиздек авайлаб асрашимиз, уни покиза сақлашимиз муҳимдир, — дейди Евгений Федорович. — Ўтган йилларда Ватан музикаси хазинасини бойитган барча яхши асарлар доимо янграши, тингловчиларнинг янги-янги авлодларини тарбиялаши лозим.

Кечада ўз ижодий принципларига содиқ қолган дирижёр программасига рус классиклари асарлари киритилган эди. Е. Светланов раҳбарлигидаги СССР давлат Академик симфоник оркестри ижросида Римский-Корсаков, Чайковский, Рахманинов, Скрябин музикалари янгради.

Юбилей кечасида юбиляр шанига кўпдан-кўп яхши гаплар айтилди. Унинг ижоматлари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони фахрий унвони билан тақдирланган. Юбилярни табриклаган давлат ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, унинг ҳамкасблари Е. Светланов санъатида замондошларимизнинг фикр-ўйлари ва ҳиссиётларини акс эттанлигини таъкидладилар. Жуда катта ва теран истеъдод соҳиби бўлган санъаткор доимо бизнинг музика ва ижтимоий ҳаётимиз қаердаки қайнаётган бўлса, ўша ерда бўлади.

Кечада М. С. Горбачев рафиқаси билан ва В. А. Медведев рафиқаси билан ҳозир бўлишди.

(ТАСС мухбири).

КАДРЛАР ЎҚУВИ

Тошкентда олий партия мактабидаги партия, совет ва идеология кадрлари малакасини ошириш факультетида тингловчиларнинг навбатдаги группаси — Ўзбекистон ва Туркманистон қишлоқ районлари партия комитетларидаги биринчи секретарларининг ўқуви тугади.

Машғулотларда партия XXVII съезди ва XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорлари асосида марксча-ленинча назария ва КПСС сиёсатининг долзарб муаммолари ўрганилди. Туб иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш, озиқ-овқат программасини амалда бажариш, сиёсий система ислоҳоти, партия ички демократиясини чуқурлаштириш ва партия аппаратини қайтадан тузиш, сиёсий раҳбарлик методларини эгаллаш масалаларини ўрганишга алоҳида эътибор берилди.

Тингловчилар ҳузурида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий-партиявий иш ва кадрлар билан ишлаш бўлимининг мудири П. В. Догонкин, область партия комитетларининг биринчи секретарлари: Қорақалпоғистондан К. С. Саликов, Намангандан — Б. А. Алламуродов, Хоразмдан — Р. М. Худойбергановa, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг масъул ходимлари, министрлик ва идораларнинг раҳбарлари, олимлар сўзга чиқдилар.

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида тингловчилар Ўзбекистон ССР ва Туркманистон ССР Фанлар академияларининг президентлари М. С. Салоҳиддинов ва О. Г. Овезгелдиев билан учрашиб, фан-техника тараққиётини бошқаришни такомиллаштириш, фан билан ишлаб чиқариш ўртасида иқтисодий ҳамкорлик механизмини яратиш муаммолари хусусида суҳбатлашдилар.

Тингловчилар Тошкент область Оржоникидзе район партия комитетидаги кўчма амалий машғулотда партия ишини қайта қуриш тажрибаси билан танишдилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова билан учрашув КПСС социал сиёсатини рўёбга чиқаришнинг амалий масалаларига бағишланди. Ўзбекистон ССР юстиция министри Б. Ғ. Олимжонов, Ўзбекистон ССР Олий суди раиси М. М. Маликов, Ўзбекистон ССР прокурори Д. А. Усатов иштирок этган давра суҳбатида ҳуқуқий ислоҳотни амалга ошириш муаммолари муҳокама қилинди.

Группалардаги семинар машғулотларида сиёсий раҳбарлик органлари, қайта қуриш ташкилотчилари сифатида партия комитетлари ролини оширишнинг назарий ва амалий жиҳатлари муҳокама қилинди. Тингловчилар демократиялаш ва ошкоралик шароитида ташкилий-партиявий ва идеологик иш тажрибасини ўртоқлашдилар. Муаммоли вазиятларни таҳлил этишга бағишланган практикум, партия ташкилотлари фаолиятининг амалий тажрибаси анализ қилинган факультатив ўтказилди.

Қишлоқ район партия комитетлари биринчи секретарларининг эҳтиёт тутилган сайловолди платформаларини моделлаштиришга бағишланган амалий машқ тингловчиларда катта қизиқиш уйготди.

(ЎзТАГ).

ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ—ИШЧИЛАР СИНФИГА, ИШЧИЛАР СИНФИНИНГ—ҚАЙТА ҚУРИШГА МАДАДИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

кетаётганлигини кўрсатиб ўтди. Баъзан кооперативлар ҳам бунда салбий роль ўйнамоқда. Нотиқ шундай бир мисолни айтиб берди: унинг цехидаги баъзи ишчиларга кооперативга ўтишни таклиф қилишди, 800 сўмдан 1500 сўмгача маош ваъда қилишди. Уларнинг заводдаги иш ҳақи эса ҳозир 500 сўмга борар-бормас.

Ишчининг фикрича, жамиятда номуносиб тарзда катта даромад оладиган қандайдир бир қатлам вужудга келиб қолиши мумкин, бу эса социал адолат принципига зиддир. Бу нарса ҳалол меҳнатчиларни ғазаблантиради. Турли ёшлар марказларига ва ташкилотларига муттаҳам кишилар кириб олиб, йигит-қизларнинг ахлоқини бузаётганлиги ҳақида ташвишланиб гапирди.

Қурилишларда узоқ вақт ишлаб, турли-туман ташаббусларни кўрганман, деди «Мосстрой комитет»нинг 1-«Мосстрой» трести комплекс бригадаси бошлиғи **В. А. Затворницкий**. Бизнинг бригадамиз қурувчилар орасида биринчи комплекс бригада бўлган эди, катта самара берган эди. Ҳозир ҳамма шу усулда ишламоқда. Ўтган йилнинг 1 сентябридан бошлаб ижара пудратига ўтдик. Шу пайтгача биз бригада пудрати усулида ишлар эдик. Бу ишда баъзи нуқсонлар содир бўлиб турди. Кооперативларда аҳвол қандайлигини бир кўришга қарор бердик. Ковровода, яна баъзи жойларда бўлиб, ҳар ҳолда ижарага ўтиш маъқул, деб тондик, ўтган йилнинг биринчи сентябридан бошлаб ижарага ўтдик. Иш ҳақимиз ошди, иш маданияти кўтарилди, масъулият кучайди.

104 минг сўм соф фойда олдик. Хўш, уни қандай тақсимладик? Социал-маданий-маиший ишларга, янги техникага қолдирдик, давлатга 20 минг сўм ўтказдик, социал страхованиени ҳам унутмадик, путёвкаларга, квартираларга сотиб олишга ҳам пул ажратдик. Бир йилдан кейин бригада учун иккиучта квартира сотиб олиш ҳуқуқига эгамиз, майли одамлар мазза қилиб яшайверишсин.

Очиғини айтсам, ижара жуда манфаатли, уни кооператив билан ҳам, бригада пудрати билан ҳам, коллектив пудрати билан ҳам таққослаб бўлмайди. Бизда ижара фойда олиш учун, яхшироқ ишлаш учун бирданбир усул. Бригадамиз ҳозирча уялиб қолгани йўқ.

Бироқ ижарани ҳам такомиллаштириш керак. Масалан, ҳар ойда юқори ташкилотларнинг эҳтиёжлари учун минг сўм ажратамиз, ҳар ойда бригадаларнинг ойлиги учун 2 минг сўм берамиз. Демак, учдан бири юқори ташкилотларнинг ихтиёрига берилаяпти. Қурувчилар «Мосстройкомитет» тузилиши билан қурилиш бошқармалари камаяди, йириклаштирилган трестлар қолади, бригадалар йириклаштирилади, деб умид қилган эдилар. Аммо бундай бўлмади. Комитетнинг ўзи йириклашиб, кенгайиб бора бошлади. Шундай ташкилотлар пайдо бўлдики, менимча уларга бир тийин ҳам тўламаслик керак.

Яна икки масалага тўхталмоқчиман: биринчиси — ёшлар ҳақида. Ёшларнинг ўқиши билан ишлашини, реал турмуш талабларини яхшироқ бирга қўшиб олиб бориш керак. Бу — давлат аҳамиятига эга бўлган катта масала. Бу масала — қурувчилардан бошқалар учун ҳам актуалдир.

Энди студентлар ҳақидаги масала. Уларни биз беш йил ўқитамиз. Шундан кейин институтни битириб келганларга қурилишда жуда кўп нарсаларни ўргатишга тўғри келади. Хўш, булар қанақанги ёш мутахассислар? Бу аҳволда улар қаригунларича ўқийдилар-ку. Ҳаммалари эмас, албатта. Аммо кўплари шундай қилишади.

Давлат қабули ҳақида ҳам гапирмоқчиман. Бу ишни аввал заводда йўлга қўйиш, кейин эса қурилишда жорий этиш керак. Завод қийшиқ панелларни юборса, қандай қилиб тўғриласа бўлади? Биз бўлсак квартираларни битказиб, калитини топширишимиз керак, ана шунда янги кўчиб келувчилар ҳеч бир таъна қилмайдиган бўладилар.

Қайта қуришга келганда шуни айтиш керакки, ишчилар синфи — қайта қуриш тарафдори. Энди биз ундан қайтмаймиз, биринчи сафларда борамиз. Бунинг маъноси шуки, биз яхшироқ ишлашимиз керак.

Шаҳарда ва заводимизда қайта қуриш бормоқда, аммо баъзи масалаларда қийинчиликлар учраб турибди, деди Харьков «Серп и Молот» моторсозлик заводи ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесари **А. Г. Гринченко**. Коллектив бир маромда ишлаб келмоқда. Аммо фойдадан озгина процент олаяпти. 72 проценти давлат бюджетига ва министрликка кетаяпти. Қолган 28 процент билан ўзжой муаммосини ва бошқа муаммоларни ҳал қила олмаймиз. Бизнинг ҳисоб-китобларимизга кўра, бу ишларга лоақал фойданинг 40 проценти керак бўлади. Мендан аввал сўзга чиққан ишчиларни ҳам шу масала қизиқтираяпти. Назаримда бу масалани қайта кўриб чиқиш керак.

Биз қишлоқ хўжалиги учун машиналар ишлаб чиқараяпмиз ва Марказий Комитет бу муаммони ҳал этишни жадаллаштириш чоратадбирларини кўраётганини сезиб турибмиз. Ҳозир қишлоқ хўжалигига ёрдам бериш керак, албатта. Бизнинг заводимиз 13 та колхозга оталиқ ёрдами бераяпти. Бунинг учун эса маблағ керак. Металл, цемент, бошқа материаллар керак. Буларнинг ҳаммаси қаердан олинади? Корхона тежаб қолган маблағидан олинади, ҳозирча бошқа манба йўқ. Магазинларда гўшт ҳам, сут ҳам етарли миқдорда бўлиши учун, картошка ҳам бўлиши учун қишлоққа ҳозиргидан анча зиёдроқ ёрдам бериш керак. Шундай таклиф бор. Министрликлар қишлоққа оталиқ ёрдами бериш учун ҳеч бўлмаганда ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 1-3 проценти миқдорида давлат буюртмасини планлаштирсинлар. Шундан икки йилча ўтгач, қишлоқ хўжалик маҳсулоти анчагина кўпайишига аминман.

Халқ истеъмол моллари ҳақида ҳам гапирмоқчиман. Ҳозир Харьков трактор заводи жажжи трактор ишлаб чиқди. Ҳозирча биз уларни жуда кам, бир неча ўнтагина ишлаб чиқараяпмиз. Қишлоқ хўжалигимизни шундай машиналар билан таъминлаш учун улардан лоақал йилига 30 мингта ишлаб чиқариш керак. Кеча биз министрликда шу ҳақда гаплашдик. Биз, шаҳарликлар, қишлоқ аҳолисининг эҳтиёжларини дилга яқин олишимиз лозим.

Клайпедадаги «Балтия» кемасозлик заводининг кема йиғувчилар бригадири **К. Машмонас** минбарга чиқади. У Литва ССРда вужудга келган вазият ҳақида гапириб, республика ишчилар синфи, халқи қайта қуриш тарафдори эканини, оз бўлмаса, Литваниг Совет Иттифоқи составидан чиқишини талаб қилаётган экстремист унсурларга қарши эканини таъкидлади.

М. С. Горбачев. Литванинг СССР составидан чиқишини талаб қилаётган кишилар — ё шахсий нафсониятга муккасидан кетган, амалпарастлик илинжи билан яшайдиган кишилар ёки ўтакетган экстремистлардир. Улар умуман социализмни ёқтирмайдилар. Улардан сиз билан бизнинг қадриятларимизни, ишчилар билан деҳқонларнинг манфаатларини ҳимоя қилишларини кутиш беҳуда. Осойишта бўлайлик, аммо уларга кескин зарба ҳам берайлик. Қайта қуриш бизга ҳамма масалаларни, суриштириб билиш ва ҳал этишга ёрдам бериши керак. Ленин: умумий масалаларни билмай туриб, жузъий масалаларга киришманглар, деб такрорлашни яхши кўрар эди. Шу боисдан ҳам биз ҳар бир республиканинг, ҳар бир Марказий Комитетнинг, олимларнинг, жамоатчиликнинг миллатлараро муносабатлар муаммолари хусусидаги фикрини сўрадик. Бизнинг асосий принципимиз ана шундай: кучли марказ ва кучли республикалар бўлсин. Арманистондаги вазият бунга мисол бўла олади. Табиий офатдан жабрланган республикага бутун мамлакат ёрдам бера бошлади. Кўрдингизми, бизнинг бирлигимизга қарши шиорлар ташлаётган, ўзининг гаразли мақсади йўлида худбинларча иш тутаётган кимсалар халқнинг тақдирини ўйламайдилар. Булар — жуда ҳалокатли шиорлар бўлиб, боши берк кўчага судрайди.

Етилган масалалар, муаммолар бор, уларни ҳал қилиш керак. Бироқ республикалардаги барча халқларнинг манфаатларини уйғунлаштириш асосида ҳурмат ва принципиаллик билан ҳал этиш лозим. Бирон-бир масалани фақат бир халқ манфаатларини кўзлаб, СССРдаги бошқа халқларга зарар етказадиган тарзда ҳал этишга йўл қўйиб бўладими, ахир? Ишчилар синфи шуни билиши керак, биз барча иттифоқдош совет республикаларини уйғун равишда ривожлантириш, мамлакатимизнинг бирлигини мустаҳкамлаш учун ҳамма ишни қилаверамиз.

К. М. Ашмонас: Бу масалаларни хўжалик ҳисоби, демократиялаш асосида ҳал этиш мумкин. Келгуси йилданоқ республика хўжалик ҳисобига ўта бошлаши керак.

Нотиқнинг фикрича, Литва Компартиясига кадрлар сиёсати, молиявий фаолият масалаларини ҳал этишда кўпроқ мустақиллик бериш зарур.

Нотиқ «Кучли марказ — кучли республикалар» ғоясини қўллаб-қувватлади, шу билан бирга у, башарти область ҳам кучли бўлса, республика кучли бўлса, менинг фикримча, ана шунда марказ ҳам кучли бўлади, деди.

Республика ишчилар синфи, коммунистлари — қайта қуриш, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси белгилаб берган ғояларнинг тарафдоридир.

Кенгашга келишдан илгари мен шаҳримиздаги 10 та меҳнат коллективида одамлар билан учрашдим, деди Череповец металлургия комбинатининг слесари **Ю. В. Архипов**. Халқни ҳозир, аввало, экология ташвишлантираётганига ишонч қилдим. Биз бундан 35 йил муқаддам металлургия комбинатига пойдевор қўяётганимизда катта хатога йўл қўйган эканмиз, эндиликда уй-жой массиви ишлаб чиқаришдан бор-йўғи юз метр нарида жойлашган. Экология вазиятини соғломлаштириш учун кескин чоралар кўриш зарур.

Энди уй-жой ҳақида. Яна ўзимдан қиёс. Комбинатда 33 йилдан бери ишлайман. Ҳозир 52 ёшдаман. Фақат куни кечагина уй-жойлик бўлдим.

Бу масалада қатъиян қайта қуриш бўлиши лозим, деб ҳисоблайман. Яна қанча-қанча одамлар қаригунларича ётоқхоналарда туришибди, яна қанчаси навбат кутишмоқда. Оилалардаги мураккаб муаммолар ҳам шундан. Қурилиш суръатларини янада ошириш керак.

Яна бир гап: озиқ-овқат билан таъминлашнинг карточка-талон системаси жорий этилганига нима дейиш мумкин? Шунга кўра, пўлат эритувчи, домна цехи ёки кокс печида меҳнат қилаётган ишчилар ойига ярим кило колбаса олишяпти. Шу ҳам инсофданми?

Мени оддий коммунист сифатида ҳозир барча конференцияларда — комбинат, шаҳар, область конференцияларида халқ партиянинг яхши раҳбарларини сайлагани қувонтирмоқда. Улар ишчилар синфи яхшироқ яшаши учун, айниқса, уй-жой кўпайиши учун ҳаракатни бошлаб юбордилар.

М. С. Горбачев: Юрий Васильевич, биз уй-жой қурилиши суръатларини оширяпмиз ва бундан буён ҳам ошириб бораверамиз. Соғлиқни сақлаш, маориф, маданиятга жуда катта маблағ ажратилди. Аммо ўтган йили 1987 йилга нисбатан қурилиш суръатлари пасайиб қолди, илгариги ўсиш бўлмади. Сизга яна шуни айтмоқчиманки, кўп нарсаларни планлаштириш мумкин, аммо жойларда иш ташкил этилиб, бу маблағларнинг барчаси ўзлаштирилиб, объектлар квартиралар, касалхоналар, мактаблар, болалар боғчаларига айланмаса, бундай программаларнинг нафи ош бўлади. Шунинг учун ҳам турмушнинг барча соҳаларини чинакамига ишчи назорати остига олиш керак. Биз ўртоқ Шалаев билан маслаҳатлашиб олдик, ҳозир бу иш юришиб кетди.

Ишчи назоратини савдо ва истеъмол соҳасидан бошлаганимизнинг боиси нимада? Бунинг сабаби шундаки, йил сайин озиқ-овқат, товарлар ишлаб чиқариш кўпаймоқда; пештахталарда эса бу нарсалар мўл-кўл бўлиш ўёқда турсин, баъзи шаҳарларда ҳатто камайиб кетди. Бу маҳсулотлар қаерларда туриб қолмоқда ва қаёққа ғойиб бўлмоқда? Мен Красноярск шаҳрида бўлганимда у ердаги ишчилар бу масалаларни кескин қилиб ўртага қўйишди. Ўлка партия комитетининг биринчи секретаридан маҳсулот ва товарлар қаёққа кетяпти, деб сўрадим. Ўлкада барча ресурсларни, улар қандай тақсимланаётганини таҳлил этадиган махсус озиқ-овқат комиссияси тузилди. Бу комиссия қанчадан-қанча бемаънигарчиликларни очиб ташлади!

Биз савдо ва истеъмол соҳасида ялпи ишчи назорати зарурлигини уқиб олдик. Бир аёлдан хат олдим. У болалар колготкисини ямашимизга тўғри келаяпти, чунки магазинда йўқ, деб ёзибди. Бир чоғроқ магазин текшириб кўрилганида, унда бир ярим-икки минг болалар колготкиси борлиги аниқланди! Сунъий тақчиллик оқибатида социал қийинчиликлар юзага келмоқда. Мамлакат хўжайини бўлган халқ ишчи назорати орқали активроқ ҳаракат қилиши, ҳамма ишни ўз қўлига олиши лозим. Шу боисдан ҳам сиз масалани тўғри кўтаряпсиз.

Москва шаҳридаги «Силуэт» ишлаб чиқариш бирлашмаси ателъесининг устаси **Е. К. Малькова** мажлис аҳли эътиборини меҳнат унумдорлиги сust ўсаётганлиги сабабларига қаратди. Бу масаланинг ҳал этилиши илм-фанга, фан-техника тараққиётига муносабатимизга боғлиқ бўлади. Мамлакатимиз ихтиёрида жуда катта фан-техника потенциали бор. Аммо қўл меҳнати, айниқса, енгил саноатда кўп, ҳолбуки бу соҳада, асосан аёллар ишлашмоқда. Тадқиқот институтлари наф бериши, ишлаб чиқариш эҳтиёжларидан ажралиб қолмаслиги керак.

Мен хизмат кўрсатиш соҳасида ишлайман, деди нотиқ. Ҳозир олдимизда кўп муаммолар турибди, қайта қуришнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ана шу муаммоларнинг ҳал этилишига боғлиқдир. Биз, тармоқнинг оддий меҳнаткашлари, зўр бериб ишлаб, хизмат кўрсатиш соҳасини юксалтириб бораверишга лозимлигини тушуниб турибмиз. Ҳамонки шундай экан, нега энди партия Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг тармоқни ускуна билан таъминлаш хусусидаги қарорларидан деярли бирортаси ҳам бажарилмаяпти?

Бу ерда кооперативлар ҳақида анча гапиришди, лекин бир жиҳатни тилга олишмади. Халқ кооператорлардан нороза бўлганлигининг боиси асосан шундаки, аввал бошданоқ кооператорлар ва давлат корхоналарининг ишчилари тенг бўлмаган шароитларга қўйилди. Кадрлар давлат секторидан кетиб қолишмоқда. Тажрибали мутахассислар кооперативларга ўтиб кетиши тармоғимизнинг тинкасини қуритмоқда. Кооперативлар фаолиятининг яна бир жиҳати ҳақида гапирмоқчиман: биз бозорда товарлар мўл-кўл бўлади, деб кутган эдик, аммо бунинг ўрнига нарх-наво ҳаддан ташқари кўтарилиб кетмоқда, тақчиллик ўсмоқда. Буни кўрмасликка олишимиз мумкин эмас. Ишчилар сайловолди йиғилишларида шу ҳақда гапирмоқдалар. Кооперативлар моддий-техника таъминоти гарантияланмаганлиги сабабли, чакана савдодан кўпгина товарлар ғойиб бўлмоқда.

Шундан кейин ўртоқ Т. Малькова хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, отпускалар давомийлигини кўпайтириш, болаларни тарбиялаш учун шарт-шароит яратиш хусусидаги долзарб масалаларга эътиборни қаратди.

Тирасполь шаҳридаги ВЛКСМ 40 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси бригадири **В. Н. Величко**га сўз берилади. Бизнинг олти минг киши ишлайдиган коллективимиз қайта қуришни қизғин қўллаб-қувватлаётганлигини айтиб қўйишни мендан илтимос қилди, деди у. Бизда муаммолар кўп. Уй-жой муштакул масала бўлиб турибди. Хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ўтдик, пулимиз бор, маблағни шаҳар ижроия комитетига ўтказяпмиз, бироқ ижроия комитет биздан қарздор бўлиб қолди, жуда кўп квартирани бергани йўқ. Назаримда, бу муаммони эндиликда Марказий Комитет ёрдамида ҳал этиш керак. Хўжалик усулида қуринг, дейишмоқда, лекин бунинг учун ихтиёримизда қувват кам. Шаҳар ижроия комитети пул олган экан, ваъдасининг устидан чиқиши керак.

Ҳаммамизга тааллуқли масала — фойда ҳақида гапирмоқчиман. Ҳар қалай фойдани тақсимлаш меҳнат харажатларининг камайишига ҳам боғлиқ бўлиши лозим.

М. С. Горбачев: Мен шу нутқни кутган эдим. Кўпчилик ўртоқлар фойдадан нормативлар ажратмалар тўғрисидаги масалани тилга олдилар, улар нормативларни камайтириш ва заводга кўпроқ маблағ қолдириш лозимлигини таъкидлашди. Нега энди, масалани бошқача таҳлитда қўймаслик керак: таннархни, меҳнат сарфини камайтириш эвазига кўпроқ фойда олиш керак эмасми?

В. Н. Величко: Тўғри. Биз шунинг ҳаракатидамиз.

«Уралмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Урал оғир машинасозлик заводи токарлар бригадасининг бошлиғи **А. М. Королев**га сўз берилади.

Районимизда, деди у, меҳнат коллективлари кенгашлари раисларининг кенгашини тузиш тўғрисида ўйлашмоқдалар, яъни яна бюрократик аппаратнинг қандайдир устқуртмаси пайдо бўлмоқда. Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Меҳнат коллективи кенгаши ўз масалалари билан шуғулланиши керак. Бу масалалар эса тўлиб-тошиб ётибди. Бизнинг кенгашимизда 77 киши бор, унга ишчилар ҳам, раҳбарлар ҳам киришган, бироқ ҳаммамиз ва ҳар биримиз эндиликда ўқиб ўрганишимиз — конкрет экономикани, хўжалик ҳисобида ишни қандай юритишни ўқиб ўрганишимиз керак. Биз шундай программа тузиб чиқдик.

Яна бир масала бор. Биз ҳаммамиз ҳуқуқий давлат тарафдоримиз. Дарҳақиқат, ҳозир кўп ҳуқуқлар бериб қўйилди. Аммо бу ҳуқуқлардан кўпинча сафсатабозлар фойдаланишмоқда. Улар митинг чақиришади, гапиришади, аммо ҳеч нарсага жавобгар эмаслар. Жавобгарлик эса керак. Айниқса, ёшларни тарбиялашда жавобгарлик зарур. Бизнинг энг яхши анъаналаримизни унутмаслик, уларни асраб-авайлаш ва кўпайтириш лозим.

«Мегионгазстрой» трести комплекс бригадасининг раҳбари **Н. П. Нежданов** ижара пудрати шароитида иш қандай бораётганлиги ҳақида гапирди.

